

# Инсон ва қонун

2021 йил 30 март  
сешанба  
№ 13 (1269)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24  
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Таҳлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



ХАВФ  
3-БЕТ

БАНГАЛОР ПРИНЦИПЛАРИ  
5-БЕТ

“КЕЧИККАН” НАФАҚА  
6-БЕТ



“Tashkent Law Spring”  
II Xalqaro yuridik forumi

## БЮРОКРАТИЯНИ кескин қисқартирувчи хужжат

Бугуннинг гапи

МАМЛАКАТИМИЗДА сўн-  
ги йилларда аҳолига давлат  
хизматлари кўрсатиш, умуман  
аҳоли ва тадбиркорлик субъект-  
ларига қулайлик ҳамда энгил-  
ликлар яратиш бўйича тизимли  
ислохотлар амалга ошириб  
келинмоқда.

Ушбу ислохотларнинг ман-  
тикий давоми сифатида Прези-  
дентимизнинг “Аҳоли ва тадбир-  
корлик субъектларига давлат  
хизматларидан фойдаланишда  
янада қулай шароитлар яратиш,  
бу борада бюрократик тўсиқлар-  
ни қисқартириш бўйича қўшимча  
чора-тадбирлар тўғрисида”ги  
Фармони қабул қилинди.

Фармонда аҳолига ва тадбир-  
корлик субъектларига давлат

хизматлари кўрсатиш ва ортиқча  
тартиб-тамоилларни қисқарти-  
риш бўйича куйидаги энгиллик-  
лар яратилмоқда.

2021 йил 1 июндан:

- 7 та турдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини (туғилиш, никоҳ тузилганлиги, никоҳдан ажралиш, ўлим, исм ва фамилияни ўзгартириш, оталикни белгилаш ҳамда фарзандликка олишни) қайд этиш;
- никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш;
- хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилиши белгиланди.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боглиқ барча маълумотлар нотариал идоралар томонидан мустақил равишда, фуқаролардан ортиқча маълумот талаб қилмасдан, “ФХД”нинг ягона электрон архиви” ахборот тизими орқали олинади.

Тадбиркорлик субъекти бўлган юридик шахсларга давлат хизматларидан фойдаланиш учун белгиланган йғим ва давлат божи тўловларини тўлашда уларнинг вакили томонидан нақд пул шаклида тўловни амалга оширишга рухсат берилди.

2-БЕТ

## Икки нафар ходимимиз 1-ўринни олишди

Қутлаймиз!



ШУ йилнинг 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан эълон қилинган “Адолат — қонун устуворлигида” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш мақсадида аъъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу танловда 1200 тага яқин журналистик материал орасидан 5 та номинация бўйича 15 нафар ижодкорнинг ижодий иши мукофотга лойик, деб топилди.

Айниқса, “Босма ОАВ йўналишида энг фаол журналист” номинациясида “Инсон ва қонун” муҳбири Хуршид Султонов республика матбуотида судлар томонидан қабул қилинган оқлов ҳукмлари асосида чоп этилган туркум мақолалари учун ҳамда яна бир муҳбиримиз Маруза Ҳосилова эса “Интернет журналистика йўналишида энг фаол журналист” номинацияси бўйича “Hudud24.uz” сайтида эълон қилинган суд очерклари учун 1-ўринга сазовор бўлишди.

Биз ҳам уларни қутлаймиз, иш ва ижодда омад тилаймиз!



Таҳририят



Давоми. Бошланиши 1-бетда

Хорижий тижорат ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхона ходимини аккредитация қилишда унда одамнинг иммунитет танқислиги вируси касаллиги йўқлиги тўғрисидаги сертификатни талаб қилиш бекор қилинди.

Давлат хизматлари марказлари орқали хизматлардан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ортиқча тўловлар соддалаштирилган тартибда Давлат хизматлари агентлиги томонидан бир иш қунида қайтариб берилади. Бунда қайтарилган маблағлар тегишли ташкилотдан фуқарони овоза қилмасдан (иштирокисиз) ундириб олинади. Бу эса фуқароларни давлат идорасига ушбу масалада овоза бўлиб боришига чек қўяди.

QR-код (матрикс штрихли код) қўйиш орқали берилган ҳужжатлар бўйича уларнинг дубликатларини бериш тартиби бекор қилинди. Эндиликда ушбу ҳужжатларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали чекланмаган миқдорда ва бепул олиниши мумкинлиги белгиланди. Ҳозирда эса тадбиркорлик субъектлари ҳужжатининг дубликати олиш учун ташкилотга ариза билан мурожаат қилиши, маълум бир тўловларни амалга ошириши ва кутиши лозим. Фармон билан ушбу бюрократик тўсиқларга ҳам чек қўйилди.

Давлат хизматларидан фойдаланиш енгиллаштирилди. Яъни, 460 дан ортиқ қонун ҳужжатига белгиланган 18 турдаги маълумот ва ҳужжатларни аҳоли ҳамда тадбиркорлардан талаб қилиниши бекор қилинди. Ушбу ҳужжатларни ваколатли давлат органи томонидан “Электрон ҳукумат” платформаси орқали олиш тартиби жорий этилди. Булар:

# БЮРОКРАТИЯНИ КЕСКИН ҚИСҚАРТИРУВЧИ ҲУЖЖАТ

Куйидаги фактларни тасдиқловчи ҳужжатлар:

- рухий касалликлар бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги; наркология бўйича диспансер ҳисобида туриши ёки турмаслиги; судланганлик; манзил-маълумот ахбороти; фуқаронинг номида шахсий уй-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; тураржойнинг майдони; солиқ қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилганлиги; пенсия ва нафақа миқдори; пенсия ва нафақа олувчилар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги; никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги;

- куйидаги ҳужжатларни: шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси; шахснинг белгиланган шаклдаги фотосурати; тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларининг маълумотномалари; меҳнат дафтарачалари ва уларнинг нусхалари; иш хақи ва иш стажини, олий ва ўрта махсус таълим муассасасида ўқиганлигини тасдиқловчи архив маълумотномалари; кадастр ҳужжатлари ва уларнинг нусхаларини талаб қилиш бекор қилинади.

Ушбу ҳужжатларни фуқаролардан талаб қилинишини бекор қи-

линиш натижасида йилга ўртача 1,5 миллиондан ортиқ фуқаронинг овоза бўлишини олди олинади ва уларнинг 22 миллиард сўмдан ортиқ маблағи тежалишига ҳамда ушбу маблағларни фуқароларнинг ўзидан қолишига эришилади.

Фармондаги яна бир муҳим масала, бу фуқаро ва тадбиркорларнинг хошига кўра, почта алоқаси орқали етказиладиган 28 та давлат хизматлари рўйхати тасдиқланди:

2021 йил 1 майдан хорижга чиқиб биометрик паспортни расмийлаштириш учун ариза-анкетани ва давлат божи тўловини электрон тарзда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали қабул қилиш йўлга қўйилади.

2021 йил 1 июндан бошлаб 16 ёшга тўлган шахсларга ID-карта беришда уларни солиқ тўловчи сифатида ва жамғариб бориладиган пенсия тизимида рўйхатдан ўтказиш бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

2021 йил 1 июндан бошлаб солиқ органларида солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга ўтилади. Бунда, солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш ва фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш бекор қилинади. Бу ҳам аҳолини келгусида ушбу идораларга сарсон

бўлиб боришининг олдини олади.

Давлат хизматлари агентлиги юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича ягона ваколатли орган этиб белгиланди (нодавлат нотижорат ташкилотлари, банклар ва кредит бюроларидан ташқари).

Ҳозирда рўйхатдан ўтказишнинг ҳуқуқий асосига эга бўлмаган давлат органлари ва ташкилотларини, юридик шахслар бирлашмалари, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари, матлубот, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги кооперативлари ҳамда адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Жисмоний шахснинг ўлими кайд қилингандан сўнг вафот этган шахс ҳужжатларини расмийлаштириш ва вазибаларни амалга оширишда Ички ишлар, Мудофаа, Ташқи ишлар, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиқларининг, Давлат солиқ қўмитасининг, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг вазибалари аниқ белгилаб берилди.

Фармонда рақамлаштириш масаласида ҳам жуда катта вазибалар белгиланган. Хусусан, 2021 йил 1 июнга қадар давлат статистика органлари “ФХДЭнинг ягона электрон архиви” ахборот тизимига ўзларининг электрон тизимларини интеграция қилган ҳолда ушбу маълумотларни реал вақт режими

мида олади ва статистик ҳисоботларни шакллантириб бориши белгиланган. Бунинг натижасида ФХДЭ органлари томонидан давлат статистика органларига далолатнома ёзувларининг нусхаларини юбориш ва ҳисоботларни топшириш амалиёти бекор қилинади. Бу ҳам давлат органларининг ортиқча иш юктамаларини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Фармонда 2021 йил давомида давлат хизматларини кўрсатиш тартибини соддалаштириш бўйича 30 та банддан иборат “йўл харитаси” тасдиқланган.

Рақамларга тўхталадиган бўлсак, Фармон қабул қилиниши натижасида йилга ўртача 8-9 миллиондан ортиқ фуқаронинг овоза бўлиши олди олиниб, ушбу хизматлардан фойдаланишда ва тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ортиқча маблағларининг тежалишига эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатишини соддалаштиришга ва модернизация қилишга, аҳолининг ҳаёт сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилашга, бизнесни ривожлантиришга хизмат қилувчи ҳамда бюрократияни кескин қисқарттирувчи ҳужжат бўлди.

Бунёд АЗИЗОВ,  
Адлия вазирлиги масъул ходими

## ТАЛАБАЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ — ХАЛҚАРО ФОРМАТ

ЮРИДИК таълим сифатини ошириш, илгор хорижий давлатлар ва таълим муассасаларининг тажрибасини жорий этиш мақсадида Тошкент давлат юридик университети фаолиятида илк бор Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони мувофиқ Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази ташкил этилди.

Марказ ўз фаолиятида университет талабалари учун самарали, қулай ва тезкор хизмат турларини тақдим этиш, университетнинг таркибий бўлинмалари ҳамда профессор-ўқитувчилар билан талабалар ўртасида мулоқотнинг янги формани жорий этишни амалга оширади.

Марказнинг шiori: “Биз мижозларга йўналтирилган ёндашув асосида ўқув жараёнига оид турли маълумотлар ва “Ягона дарча” тамойили бўйича университет талабаларига юқори сифатли ва тезкор хизматлар кўрсатишни мақсад қилганмиз”.

Марказнинг асосий вазибаси талабаларга таълим жараёнига оид турли маълумотларни бериш, таълим жараёнида қийин вазиятлар ва баҳсли масалаларда маслаҳатлар бериш ҳамда коррупциявий омиллар ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича шаффоф тизим яратишга қўмаклашишдан иборат.

Ҳозирда Марказ университети маъмурияти ва талабалар ўртасида мулоқотнинг янги шаклини ўрнатилган улгурди, десак, муболага бўлмайди. Талабалар Марказ хизматларидан “Электрон университет” тизими доирасида ҳам интерактив, ҳам бевосита ўзи келиб фойдаланишлари учун имкониятлар яратилган.

Марказ фаолиятининг асосий принципла-

ри тақдим этилган маълумотларнинг махфийлиги, ишончга асосланган ҳамкорлик, масалаларни кўриб чиқишда объективлик ва тезкорлик, ишончли маълумотни тақдим этиш кабилардан иборат.

Бугунги кунда Марказ томонидан талабаларга тегишли маълумотномалар бериш, академик ўқув жараёнига оид ахборот ёрдами кўрсатиш ҳамда таълим жараёни бўйича маслаҳат (консултация) ташкил этиш соҳаларида ўз хизматларини тақдим этиб келмоқда.

Университетда хизмат кўрсатиш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларидаги талабаларга хизмат кўрсатиш марказларининг илгор тажрибасини ўрганиш, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали соҳа имкониятларини кенгайтириш белгиланмоқда. Жумладан, ўрганишлар натижасида Америка Қўшма Штатларидаги Стенфорд университети (Stanford University) Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази (Student service center) кизиқиб уйғотди. У АКШ ва дунёдаги энг нуфузли ҳамда юқори реитингга эга ҳусусий тадқиқот университетларидан биридир. Стенфорд университети Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази абитуриентларни ўқишга ҳужжат топшириши, имтиҳонларда қатнашишлари учун рўйхатга олиниш, ётоқхонадан жой ажратиш ва жойлаштириш, талабалик ҳужжатларини тақдим этиш, ўқиш учун тўловларни қабул қилиш, диплом бериш ва таълим жараёнига тегишли барча масалаларда талабаларга юқори даражадаги хизматларини тақдим этади.

Бир сўз билан айтганда, Марказ томонидан кўрсатилаётган хизматлар талабаларнинг си-

фатли таълим олишлари учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

■ Нидерландиянинг Маастрихт университети (Maastricht University) Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази (Student service center) ҳам талабаларга ўқиш ва талабалик ҳаёти билан боғлиқ кўплаб: университетга кириш учун аризаларни олиш ва имтиҳон рўйхатига кириштириш, ўқиш учун турли тўловларни ташкил этиш, диплом бериш ҳамда турли таълим олиш жараёнига оид масалалар юзасидан таълим хизматларини кўрсатади. Қолаверса, Марказ талабаларга таълим жараёни билан боғлиқ ҳуқуқий ва психологик маслаҳатларни тақдим этади.

Кизиқарили жиҳати, Марказ талабаларга илмий ва ўқув-амалий кўмак бериш билан бир қаторда молиявий масалаларда талабаларни қўллаб-қувватлайди. Яъни, дарс машғулотларидан ташқари зарур маблағ топиш истагида бўлган талабаларга турли ташкилотлардан шартнома асосида ишга жойлаштириш хизматини ҳам кўрсатади.

■ Корея давлатининг Инчхон (Incheon national university) университети Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази (Student service center) хорижий талабаларнинг университетга ҳужжат топширишларидан тортиб, то ўқиш жараёнига етиб келгунларига қадар бўлган жараёнда барча керакли ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда таълим жараёнида талабаларга турли масалаларда яқиндан ёрдам беради.

■ Шунингдек, қўшни Қозғистон Республикасининг деярли барча олий таълим муассасаларида Талабаларга хизмат кўрсатиш марказлари жорий этилган. Мисол учун, Остонадаги

Турон (TAU University) университетиде ўқув жараёнини самарали ва мақбул ташкил этиш учун Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази фаолият олиб боради. У ахборот очкилиги ва шаффофлигини таъминлашга қўмаклашади. Марказ хизмати сифатида ўқув жараёни бўйича ахборот бериш, ётоқхонага жойлаштириш, ўқув визаларини расмийлаштириш, талабаларнинг фанлардан олган баҳолари ҳақида маълумот тақдим этиш ва бошқа масалаларда маслаҳатлар беради.

Хулоса ўрнида, таълим соҳасида амалга оширилган ишлар, ривожланган ва нуфузли таълим муассасаларининг халқаро стандартларининг жорий этилиши, хусусан, хизмат кўрсатиш тизимини қўллаш, аввало, мамлакат олий таълимни жозибдорлигини оширишга ва соҳани такомиллаштиришга, натижада эса рақобатбардош, малакали ҳамда замонавий кадрларни етиштиришга хизмат қилади.

Тошкент давлат юридик университетида талабаларга хизмат кўрсатишнинг осон ва қулай механизми яратилганлиги талабаларнинг бузи вақтларини кўпроқ илм олишга, муस्ताки бўлишларига, маънавий қолишишга, керак бўлса, Республиканинг туристик марказларини сайр қилишга ҳам замин яратди.

Қолаверса, мазкур механизм инсон омили-сиз керакли маълумотларни тезкор олишга, ортиқча қоғозозлик ва сансалорликларни қисқарттиришга олиб келади.

Ойбек САЙИДУМАРОВ,  
Тошкент давлат юридик университети  
Талабаларга хизмат кўрсатиш маркази  
директори,  
Жасурбек АХМЕДОВ,  
марказ ходими





АХБОРОТ технологиялари асри ўзининг шартлари-ю қонуниятларини белгилаб берди. Бу — бугунги кунда ташкилотнинг медиа фаолиятини шакллантиришда мавжуд ахборот оқимини ҳисобга олиш зарур эканлигини тақозо этмоқда.

# АХБОРОТ ОҚИМИ — қудратли тўлқин...



## Хуқуқий тартибга солиш

Ўзбекистон Республикасида ахборот хизматлари фаолияти бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Улар ичида давлатимиз раҳбарининг "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамиятга эгадир.

## Медиа-маконнинг асосий иштирокчиларидан бири

Бугунги кунда аҳолига давлат идораси фаолияти тўғрисида мунтазам, долзарб ва самарали маълумотларни тақдим этишни ташкил қилишда бир неча муҳим жиҳатларни ҳисобга олиш муҳим. Масалан, ахборот тарқатиш каналлари сонининг ўсиши, ижтимоий тармоқларнинг жадал ривожланиши, ахборот оқимининг конвергенцияси.

Агар илгари асосан оммавий ахборот воситалари янгиликлар манбаи ҳисобланган бўлса, ҳозирги тенденцияларга кўра, сўнгги йилларда матбуот хизматлари ҳам бу соҳада фаоллик кўрсатмоқда.

## Конструктив мулоқот катализатори

PR-бўлими, давлат ташкилоти вакили сифатида, одатда маълум бир масала бўйича айнан ушбу ташкилот позициясини етказиши. Бироқ, бугун матбуот хизматининг олдида турган яна бир муҳим вазифа — ахборотни жамоатчилик конструктив муҳокамаси ва мунозараси учун муносиб тарзда тақдим этиши.

Жамоатчилик билан алоқалар бўлими ҳукумат ва жамиятни бирлаштирадиган ўзига хос ижтимоий институт сифатида ҳаракат қилиши керак.

Аҳоли билан самарали алоқаларни ўрнатилиш ва ривожлантириш учун Давлат хизматлари агентлиги ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалари юритилиб, турли қайта алоқа усуллари — электрон почта, ишонч телефони қайта алоқа боти такомиллаштирилмоқда. Танқидий ва кенг муҳокама сабаб бўлаётган ахборот хуружларига тезкор равишда жавоб бериш учун мониторинг олиб борилмоқда. Шунингдек, жамоатчилик билан ишончли мулоқотни давом эттириш мақсадида, интернетдаги кескин, ижтимоий аҳамиятга эга ва резонанс мавзуларда жонли эфирлар ташкил этилади.

## Ахборотни ортиқча бюрократиясиз олиш

Давлат хизматлари агентлиги Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими фаолияти янгиликлар, таҳлилий ахборотлар яратиш, юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни аниқлаш ва бартараф этиш, журналистлар ва кенг жамоатчиликка ташкилот ташаббуслари ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятларини тушунириш, ахборотнинг асосий устувор йўналишларини белгилаб беришдан иборат.

Давлат хизматлари агентлиги кенг жамоатчилик билан очик муносабатларни ўрнатиш тарафдори. Биз "расмий аккредитация" каби тушунчадан узоқлашмоқдамиз.

## Ижтимоий тармоқларда танқидий материаллар билан ишлаш — биз тушунишга интиламиз

PR бўлимининг асосий вазифаси — ташкилотнинг ижобий образини яратиш. Шундай экан, ҳар қандай матбуот хизмати биринчи навбатда юзага келиши ва имиджга зарар етказиши

мумкин бўлган ахборот таҳдидлари, турли масалаларда жамоатчиликнинг норозилигини олдини олишга интилиши табиий ҳол.

Шу мақсадда Давлат хизматлари агентлиги томонидан фуқароларнинг муурожаатларини мониторинг қилиш ишлари йўлга қўйилган. Масалан, 2020 йил октябрь ойида фуқаролардан ҳисоблагичларни қиёслаш билан боғлиқ саволлар келиб туша бошлади. Вазиятни тушунириш ва муаммони бартараф этиш юзасидан олиб борилмаётган ишларга оидликни киритиш учун "Ҳисоблагичлар машмашаси: аҳоли нега сарсон?" материали жойлаштирилди.

Пандемия билан боғлиқ бўлган қаттиқ карантин даврида Давлат хизматлари марказларида қисқа вақт ичида стикерлар бериш жараёнини йўлга қўйиш вазифаси қўйилган даврда турли саволлар кўпайган эди. Жамоатчиликка "Давлат хизматлари агентлиги: Стикерлар имтиёз эмас, карантин шароитидаги қатъий чорадир!" тушунириш материали тақдим этилди. Ушбу маатериал босма ОАВ, интернет нашрлар, фейсбукдаги йирик гуруҳларда тарқатилиб, айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳам жойлаштирилди.

Бироқ, ҳар доим ҳам муаммонинг олдини олишнинг иложи бўлмай, истеъмолич норози бўлиб, салбий хабарни ижтимоий тармоқларга жойлаштирган ҳолатлар кузатилади. Биз бундан қўрқмаймиз, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари биз учун ўзига хос кўзгу эканлигини, муаммоли нуқталарни, фаолиятимизнинг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш кераклигини кўрсатиб беришига хизмат қилишимиз ахши англаймиз.

Бугунги кун матбуот хизмати замон билан ҳамнафас, мослашувчан бўлиши ва замонавий тенденциялар билан биргаликда ўзгариши керак, дея хулоса қилиш мумкин. Ахборот маконидаги ўзгаришлар шароитида жамоатчилик билан алоқалар хизмати олдида турган функционал вазифалар ҳам мураккаблашиб боради.

Бугун биз нафақат ахборот манбаи бўлишимиз, балки медиа-майдоннинг барча иштирокчилари ўртасида ортиқча тўсиқларсиз конструктив мулоқот учун майдон яратишга ҳисса қўшишимиз лозим.

**Севара ЗАКИРОВА,**  
Давлат хизматлари агентлиги Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими бошлиғи

ГАПНИ узоқдан бошламоқчимасман. Чунки хавф узоқда эмас. У аллақачон бизни ишғол этишга киришган. Биз эса унга қарши курашда ё ожизлик қилаёلمиз, ё мағлубият аламини тортишга ўзимизда мойиллик сезаялмиз.



Хавф бу — Интернет. Тўғри, интернет инсониятга иккита йўл берди. Биринчи йўлда: "Мендан фойдалан, ишла, ўрган, юксал" деди. Иккинчи йўлда: "Мендан фойдалан, ур, ўлдир, ваҳший бўл, ориятни унут, фахшнинг этагидан тут..." деди. Энди ўйлаб кўринг! Ҳозир ана шу икки йўлдан қай бирининг қайси палласи тош босмоқда? Буни ҳар кимнинг ўз хулосасига қолдирамиз-да, яқин кунлардаги интернет воқеаларига тўхталамиз.

Яқинда Успирин бир йигитнинг видео муурожаати ижтимоий тармоқларни қалжитиб қўйди. Видео муурожаатда шундай дейилади: "Агар мен TikTok ижтимоий тармоғида юз минг обунача йигсам ва уч миллион лайк босилса онамни ўлдирман..." Бу гаплар шунчаки айтилмади, у хатто онасини қандай ўлдирини ўз ҳаракатлари билан ҳам кўрсатиб берди. Тўғри, видео муурожаат кенг жамоатчиликнинг кескин эътирозларига сабаб бўлгач, ўша йигит, аввало, ўз обуначиларидан, эътибор беринг, биринчи ўринда ўзини қўлловчилардан, кейин онасидан уэр сўраб, яна видео муурожаат йўллади. Аммо онасидан сўраган узрининг сохталиги ўз ҳаракатларида ҳам намоён бўлганини сезиш кийин эмас.

Бу ерда гап унинг уэр сўрашида ҳам эмас, унинг ижтимоий тармоқларда ўз обуначилари борлигида. Демак, ўша йигитнинг муҳлислари бор, демак, унинг ҳаракатларини қўлловчилар бор. Бу нимадан дарак? Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, онасини ўлдириб, интернет "юлдузи"га айланмаганлар битта эмас ёки шундайларни қўлловчилар ҳам оз эмас.

Қизиқ, ўша юз мингга аъзо ва уч миллионга лайк учун онасини ўлдирини ваъда қилган йигит бошқача йўл тутса бўлмасми? Масалан, мақсадимга эришсам, онамни хажга юбораман ёки онамга биронта ким-матбаҳо совға қиламан...

Йўқ, улар бундай қила олмайди, уларнинг онги заҳарланиб бўлган. Улар интернетдан фақат ёвуз мақсадлари йўлида фойдаланишга ўрганган.

Ижтимоий тармоқларда муҳокама бўлиб турган ушбу воқеа совий улгурмасидан, "Сумалак базми" бошланди. Гўёки сумалак пишираётган ярим-яланғоч қизлар тасвирланган видеоларга ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг диққат-марказида бўлди. Фикр билдирганлар ҳам оз эмас. Ачинарлиси, фикр айтаётганларнинг айримлари уларнинг ҳаракатларини қўлаётганига нима дейсиз?

Бизнинг бугунги фожиамиз юқоридagi ҳолатларга кўзимиз ўрганиб бораётганида. Уларнинг эса қилган ҳаракатларидан пушаймон бўлмаётганлигида.

Биз одатда шу каби ҳолатлар юз берганда дарров айборни қилириб қоламиз. Хўш, юқоридagi каби ёшларнинг бундай ёвуз, ориятсиз йўллarga қадам ташлаётганига ким айбдор? Кўпчилик ушбу саволга ўқув муассасалари-ю маҳалла фаолларини ёхуд ёшлар билан ишлайдиган ҳар хил идора ва ташкилотларнинг рўқач қилади. Қайсидир маънода буларнинг ҳам айби бордир. Аммо энг катта айбдор оилавий муҳит, ундаги аъзолар. Ўз фарзандинингнинг ноҳўя ҳаракатлари учун бировни айбдор қилиш ҳеч бир мезонга тўғри келмайди.

Агар сиз оилавий муҳитни тўғри йўлга қўя олсангиз, фарзандлар тарбиясига эътиборсиз бўлмасангиз фарзандингиз номаъқул ишларга қўл урмайди, сизни эл олдида уялтиришдан қўрқад.

Очик тан олиб айтиш керакки, ҳозир нафақат ёшлар катталарнинг ўзи ҳам қўли ишдан бўшади дегунча ўзини интернетга уради. Унда нима билан машғул бўлишини кўпчилик ўзи билади.

Интернет мавзусида неча йиллардан буён қанчалаб бонг урилаяпти. Натيجани эса қўриб турибсиз. Шундай экан, фарзандингизни назоратсиз қолдирманг, у билан кўпроқ бирга бўлинг, унинг режалари билан, мақсадлари билан кизикинг!

Бу ишларни бугундан бошланг, эртага кеч бўлиши мумкин.

**Ёрбек ИСКАНДАРОВ,**  
"Инсон ва қонун" мухбири

## ОР-ЧИ, НОМУС ҚАЁҚДА ҚОЛДИ?

Айни кунларда очик кийимда, ярим яланғоч сумалак қовлаган қизлар тўғрисидаги лавҳалар муҳокамаси ижтимоий тармоқларда роса қизаяпти. Қизлардир бу қизларнинг ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқлари бор, деб уларни химоя қилаяпти. Қонуналаримизда бундай ҳолатлар учун ҳеч қандай жазо йўқлигини пеш қилаётганлар ҳам бор. Аммо улар одамийлик, инсонийлик, одоб-ахлоқ ва виждон деган улуг тушунча бизни онгсиз мавжудотлардан ажратиб турганларнинг унутган кўриниши. Уларга қарата шундай дейимиз: тасаввур қилинг, шу алфозда, шу беҳад, шу бепарда кўринишда сумалак қовлаётганларнинг ўрнида Сизнинг кизингиз ёки синглингиз бўлса нима қилардингиз? Шунда ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бор-ку... деган бўлардингиз?



Эркин НУРНАЗАРОВ:

# // Бугун билим олаётган бўлажак ҳамшира

*эртага инсон саломатлиги учун жавобгардир*

**М**АЪЛУМКИ, сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизими ва соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси ўлароқ, аввалги тиббиёт коллежлари негизида Абу Али Ибн Сино номли жамоат саломатлиги техникумлари ташкил қилинди. Каттақўрғон шаҳридаги, буюк аллома номи билан аталувчи техникум ҳам шулар жумласидандир.

— Ўзим шаҳар кенгаши депутатиман. Шу боис турли давра суҳбатлари ва тадбирларда иштирокчилар хизмат вазифам тақозосидан келиб чиқиб, айти пайтда бўлажак ҳамширалар қандай билим олишаётгани ҳамда уларнинг иқтидори билан қизиқишади, — дейди муассаса директори Эркин Нурназаров. — Ана шу жараёнда мен тизимдаги янгиликлар, хусусан, ўқиш ва ўқитишдаги ўзгаришлар ҳақида гапириб бераман. Аммо айримлар гапларимга ишонқирамай, шубҳа билан қарашади.

Дарҳақиқат, ишонманганларнинг муносабатида ҳам қайсидир маънода жон бор. Негаки, узоқ йиллар мобайнида тиббиёт коллежларида ўқитиш ҳаминқадар бўлганлиги, боиси талаб ҳам, интизом ҳам ўз йўлига ташлаб қўйилганлиги бўлажак ҳамшираларнинг билими ва касбий маҳоратида сезилиб турарди. Пировардида, кўпгина битирувчиларимиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашолмай сарсон саргардон бўлган. Сўнгги тўрт йил мобайнида эса Президентимиз ташаббуси билан юз бераётган ижобий ўзгаришлар тилга олинган муаммо-



ларга барҳам берди.

Аввало, техникумда билим бериш замон талабларига мос равишда ахборот технологиялари имкониятларига таянган ҳолда ташкил қилинган.

— Бугун ҳамширалик иши, стоматология, фельдшер — акушерлик, фармацевтика, тиббий профилактика ва фельдшер лаборантлик

йўналишларида 875 нафар талабага таълим-тарбия берилмоқда. Энг эътиборлиси, Гиппократ қасами асосида қатъий интизом жорий этилган. Юзхотир, кўнгилчанлик ва муроасага чек қўйилган. Негаки, бугун билим олаётган бўлажак ҳамшира эртага инсон саломатлиги учун жавобгардир, — дея сўзини давом эттиради Э.Нурназаров.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, билим бериш сифатини яхшилаш учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, 120 та ўқув хонаси сўнгги русумдаги компьютер билан жиҳозланган. Талабаларга ўз касбининг фидойиси бўлган 59 нафар устоз-мураббийлар сабоқ бераётир. Уларнинг билими ва касбий маҳоратини янада ошириш мақсадида ҳар ойда “Устозлар беллашуви” ўтказилади. Қолаверса, фанлар тизимида ташкил этилган махсус комиссия ҳар бир ўқитувчининг дарс бериши ҳамда амалий машғулотларни олиб боришини ўрганиб, рейтинг асосида баҳолайди. Шундай экан, бундан буён ўқитувчиларга ана шу мезонга таяниб иш ҳақи тўланади.

Бундан ташқари, талабаларга Самарқанд тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти профессорлари ҳам дарс беришади. Шунингдек, техникумда 23 та фан ва спорт ҳамда миллий ҳунармандчилик тўғараги фаолият юритади. 400 ўринли замонавий ётоқхона, ошхона, кутубхона, дам олиш хонаси талабалар ихтиёрида. Жамоат услубчилари Насиба Рўзиева, Назокат Салоҳий ва фан ўқитувчилари Хадича Умарова,

Зайниддин Саримсоқов, Гулзода Авазова, Муқаддам Тўйчиева, тиббиёт фанлари номзоди Бахтиёр Салоҳидиновлар бу борада ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

— Ёшлигимдан ҳамшира бўлишни орзу қилардим. Мана орзуимга етиб, техникумда таҳсил олаяпман. Қишлоққа борганимда тиббиёт институтида ўқийдиган қўшнимиз билан гаплашиб қоламан. У олийгоҳдаги шарт-шароитлар ҳақида сўзлаб беради. Шунда хулоса қиламанки, биз таълим олаётган даргоҳдаги билим бериш даражаси ҳам институтдагидан кам эмас экан, — дейди 114-гуруҳ талабаси Нодира Бўтаева.

Кези келганда эътироф этиш зарурки, айти пайтда Абу Али Ибн Сино номли жамоат саломатлиги техникумларини аъло баҳолар билан битирган талаба тиббиёт институтининг иккинчи босқичига имтиҳонсиз, суҳбат асосида қабул қилинади. Бинобарин, техникум талабалари ана шу имтиёзга эга бўлиш учун интиломда.

**Азим ҚОДИРОВ,**  
журналист





ҲАР қайси давлатнинг миллий ҳуқуқи билан халқаро ҳуқуқнинг бир-бирига нисбатан ўзро таъсири ва муносабатини бир-бирисиз, айри ҳолда ажратиб қўриб бўлмаганидек, жамиятда фуқароларнинг, ҳар бир касб эгаларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришида халқаро ҳуқуқ олами қонунларини яқиндан билиш жуда муҳим аҳамият касб этади.

# БАНГАЛОР ПРИНЦИПЛАРИ

ёхуд судьялик масъулияти ва хулқ-атворининг халқаро мезонлари ҳақида нималарни биласиз?



**М**ажъозий тил билан айтганда, бугун халқаро ҳуқуқ давлатлар, маълум бир минтакалар чегараларидан ўтиб, сиз-у бизнинг ҳаётимизга, кундалик меҳнат фаолиятимизга аллақачон шу қадар яқин кириб келганки, кенг камровли ҳуқуқ тизими бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзига хос жиҳатлари хусусида оз бўлса-да маълумотга эга бўлиш киши дунёқарашини бойитиши.

Шу маънода, “Ҳуқуқшунос нега халқаро ҳуқуқни билиши зарур?” рўқни остида айни дамда ва келгусида мунтазам ёритиб бормоқчи бўлган ушбу йўналишдаги турфа хил мавзуларимиз ҳам ана шундай эзгу маърифий мақсадни кўзлаган. Қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий, кенг камровли ислохотлар, олиб борилаётган яқин қўшничилик ва очик дипломатик сиёсий мулоқотнинг самараси ўларок, бугун Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи ила янгича қиёфага эга бўлаётган бир даврда миллий қонунчилик билан узвий равишда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқни ҳам ўзлаштириб бориш биз ҳуқуқшунослар, судьялар учун ҳали-ҳануз тобора долзарблигича қолмоқда.

Хусусан, Президентимизнинг 2020 йил 22 июндаги Фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясида белгиланган асосий устувор вазибалардан бири сифатида ҳам Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг мазмуни тўғрисида аҳоли ҳамда давлат органлари вакилларининг хабардорлигини ошириш, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалари нормаларини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш белгиланган.

Ўйлайманки, халқаро ҳуқуқ бўйича танлаб олинган ўзига хос мақола мавзулари Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиямизнинг мақсад ва вазибаларини амалга оширишда оз бўлса-да ҳисса қўшиши баробарида сиз ўқувчиларда маълум маънода қизиқиш уйғотиши, ижобий таассурот қолдириши билан бирга халқаро қонунчилик ҳақида билим ва тасаввурингизни яна ҳам бойитишига ишонаман.

суд ҳокимиятига бўлган ишонччи мустаҳкамлашнинг асосий омили эканлигини ҳеч қачон унутмаслиги даркор.

Бангалор принципларида қайд этилганидек, судьянинг объективлиги унинг касбий мажбуриятларини виждонан бажаришининг муҳим шартидир. Судья суд мажлисида ва суддан ташқари вақтларда ўзининг юксак муносиб хулқ-атвори билан юридик соҳа вакиллари ҳамда тарафларнинг суднинг холислигига бўлган ишонч ҳиссини оширишга доимо қўмаклашиши, ноҳолис фикрлар туғилишига сабаб бўлувчи шубҳали хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши, суд жараёнида низо юзасидан ишнинг натижасига йўналтирувчи олдиндан у ёки бу маънода шарҳлар ёки йўналтирувчи саволлар бериши мумкин эмас.

Судья объектив қарорга келишда, агар у худди шу иш бўйича муқаддам адвокат ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса, ишнинг натижасидан ўзи ёнгики оиласининг моддий манфаатдорлиги бўлгудек бўлса ё тарафларда судьянинг ишдан бевосита ёхуд бильвосита манфаатдорлиги борлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлган ҳолларда дарҳол ўзини ўзи рад қилиши зарур.

## Судья суд мажлисида нимага эътибор бериши керак?



Адолатлилик ва холислик принципи судья учун одил судловни амалга оширишда муҳим омили ҳисобланади. Судья суд мажлисида нафақат ўз хатти-ҳаракатлари, хаттоки томонларга қўз қарашлари билан ҳам бир хил муносабатда бўлиши керак.

Бангалор принципларида мувофиқ касб этикаси қондаларига қатъий амал қилиш ҳар бир судья учун кундалик яшаш тарзига айланиши даркор. Судья ишларда қатнашаётган адвокатлар ва манфаати қўзланиб даъво тақдим этилган фуқароларга ўз турар жойи ҳақида маълумот бермаслиги, судьялик макомидан ўзи, оила аъзоларининг ёки бошқа кишиларнинг шахсий манфаати йўлида фойдаланмаслиги, қолаверса, ўзгарлар томонидан ҳам бундай қилинишига йўл қўймамаслиги, бошқа ҳақ тўланадиган ишлардан ташқари педагогик фаолият, қонун ижодкорлиги билан шугулланиши мумкинлиги, судья ва унинг оила аъзолари судьялик вазибаларини

бажаришда бирор-бир совға, сўда, васиятнома ёки ўзга қўринишдаги ёрдамлар қабул қилиши ман этилади. Шунингдек, агар қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бўлса, судья ўз хизмат вазибаларини содиқ адо этганлиги учун эъзадилек совғалар, фахрий ёрликлар билан тақдирлаши мумкин.

Судья одил судловни амалга оширар экан барча шахсларнинг манфаатларини инобатга олиши, тарафларга, гувоҳларга, адвокатларга ва суд ходимларига бир хил қўз билан қараши керак.

Бангалор принципларининг муҳим қондаларидан бири, ҳар бир судья доимо компетент ва интилувчан бўлишга интилишдан тўхтамаслиги зарур. Унга қўра, судья учун одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолият бошқа мажбуриятларга нисбатан устувор бўлиб, зиммасига юкланган вазифани юқори профессионал даражада адолатли, тезкор ва виждонан адо этиши шарт. Шунингдек, судья инсон ҳуқуқлари оид халқаро қонунчиликдан, халқаро конвенциялар ва бошқа ҳужжатлардаги ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиши керак. Судья доимо ўз билими ва малакасини ошириб бориши, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзининг сабрлилиги, босқинлиги, мулоимлиги ва муносиблиги каби хислатлари билан бошқаларга намуна бўлиши, суд мажлисларида процесс иштирокчилари ҳамда ходимларини ҳам шундай вазиятда ҳам ўзининг қилиб бориши, судьялик касбининг обрў-эътиборига путур етказувчи бошқа фаолият билан шугулланмаслиги лозим.

Хуллас, бир сўз билан айтганда, Бангалор принциплари жаҳон мамлакатларининг демократик таракқиётига, суд-ҳуқуқ ислохотлари ривожига катта ҳисса қўшиб келаётганлиги билан биринчи инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва судьяларнинг мустақиллиги ва холислигини таъминлашда, суд ҳокимиятининг нуфузи ва ролинини оширишда, энг муҳими, йиллар ўтгани сайин судьяликдек юксак шарафли вазифини сийқидилдан адо этишда маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан чинакам фундаментал пойдевор бўлиб хизмат қилиб қолиши шубҳасиз.

Хусан ТУРСУНОВ,  
Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси, юридик фанлар номзоди

## Халқаро ҳуқуқни нега билишимиз керак?



Авваламбор, халқаро ҳуқуқ давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги кенг қиррали муносабатларни тартибга солувчи йирик ҳуқуқ соҳаси ҳисобланиб, у ўз ичига инсон ҳуқуқларига оид универсал ёки маълум бир минтака доирасида амал қилувчи умуммажбурий ва таъсирчан характерга эга халқаро ҳуқуқ нормаларини қамраб олган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқда бундай битимлар турлича номида бўлиши мумкин: “шартнома”, “пакт”, “принцип”, “устав”, “ҳартия”, “стандарт”, “декларация”, “конвенция”, “факультатив протокол” сифатида қабул қилинган.

Энг муҳими, инсон ҳуқуқларини одил қадрият сифатида умумэътироф этган бундай ҳужжатларнинг қандай номланганидан қатъий назар, бугун ушбу нормалар барча давлатларнинг миллий қонунчилигида у ёки бу даражада ўз ифодасини топади.

Яна бир жиҳат, бугун ҳар қайси давлат, ҳар бир жамият ҳаётига алоқадор бирор-бир муносабат йўқки, ҳоҳ у ижтимоий-иқтисодий, ҳоҳ у сиёсий-ҳуқуқий соҳада бўладими, халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинмаган бўлса. Халқаро ҳуқуқ қонунчилигига назар ташласак, судья, адвокат, терговчи, журналист ёки шифокор бўладими, қўйингки, барча касб эгаларининг соҳаси бўйича давлат хизматчиси сифатида иш вақтида ва хатто иш вақтидан ташқари нималарга амал қилиши зарурлиги ҳақида устувор

қондалар қабул қилинган. Бошқача айтганда, адвокат қандай бўлиши кераклиги, вояга етмаганлар ҳуқуқлари қандай тартибда ҳимоя қилиниши лозимлиги, ушлаб турилган шахсларга нималарни тушунтиришимиз кераклиги, суд мажлисида тарафларга қандай муносабатда бўлишимиз зарурлиги ёхуд судья ёки журналистнинг холислиги ва мустақиллиги қандай таъминланишига оид асосий мезон ва қондалар халқаро ҳуқуқда аллақачон белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу минимал халқаро стандартлар давлатлар миллий қонунчилигида у ёки бу даражада ўз ифодасини топади.

## Бангалор судьяга нимани ўргатади?



Хусусан, “Судьяларнинг хулқ-атвори оид” Бангалор принциплари ҳам жаҳон суд-ҳуқуқ соҳасида 2006 йил 19 майда қабул қилинган энг асосий, судьянинг судья сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини, умумэътироф этилган юриш-туриш қондаларини, профессионал фаолиятда ишда ва хизматдан ташқари вақтларда, турмуш шароитида нималарга амал қилишига оид минимал стандарт қондаларини белгилаб берган ягона халқаро ҳужжатдир.

Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, Бангалор принциплари шунчаки ҳуқуқий ғоя ва қондалар бўлиб қолмасдан судьяликни нафақат одил мақом, шарафли лавозим эканлигини эътироф этади, балки авваламбор, судьяликни танлаган ҳар бир кишини ўз ҳаёт тарзини,

оила аъзоларининг таълим-тарбиясини ҳам шунга монанд равишда олиб боришга қарайди.

Бангалор принципларининг яна бир бош фалсафий ғояси ҳам шундаки, судьяликка киришган ҳар бир ҳуқуқшуносдан бошқа касб эгалари ёки кишилардан фарқли ўларок, инсонийлик ҳуқуқларидан фойдаланишда ҳар дақиқа чегара билиб, ўзини тийган ҳолда ҳар бир ҳаракатида судьялик касамеди масъулиятини унуттишга асло ҳаққи йўқлигини тақрор-тақрор эслатади.

Бангалор принципларида судьялар фаолияти ва хулқ-атвори оид қуйидаги 6 та муҳим тамойил белгиланган бўлиб, булар мустақиллик, объективлик, адолатлилик ва холислик, этика қондаларига қатъий амал қилиш, тенг муомалада бўлиш ҳамда компетентлик ва интилувчанликдир.

Бангалор принципларига қўра суд органларининг мустақиллиги жамиятда ҳуқуқ тартибонини таъминлаш ва суд ишларини адолатли ҳал этилишининг бирдан бир асосий гаровидир. Ҳар бир судья суд ҳокимиятининг мустақиллик принципини теран хис қилган ҳолда ҳаётга инчил таътиб этиб бормоғи лозим.

Судья одил судловни ҳар қандай қўринишдаги ташқи таъсирлардан, холислигига шубҳа туғдирувчи ё дахл қилувчи бевосита ёки бильвосита ҳаракатлардан холи ҳолда амалга ошириши зарур. Ҳатто, у иш юзасидан қарор қабул қилишда суд таркибидидаги бошқа ҳамкасбларнинг нуқтаи-назаридан қатъий назар, ўзининг мустақил фикрида собит қолиши керак. Судья суд мустақиллигини таъминлаш жамиятда



## 9 МИЛЛИАРД СЎМЛИК КОМПЕНСАЦИЯ

адлия бошқармаси аралашуви билан  
ундирилдиган бўлди



**ТОШКЕНТ** вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаро Ҳ.Файзиевнинг Президент виртуал қабулхонасига йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди. Унда муаллиф ўзига тегишли бўлган бино-иншоотлар Тошкент туман ҳокимлиги томонидан бузиб ташланган бўлса-да, бунинг учун ҳанузгача амалга оширилмаган компенсация тўловларини ундиришда ёрдам сўраган.

Аниқланишича, фуқаро А.Саакян Тошкент тумани, Келес шаҳри, Келес йўли кўчасида жойлашган "Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси"ни Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан ўтказилган аукцион савдосида сотиб олган. 2018 йил 2 майда эса у мазкур мажмуани Ҳ.Файзиевга сотган. Натижада янги мулкдор шу кунгича мулк ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиб, қонуний тартибда расмийлаштирган. Аммо бу кўчмас мулк туман ҳокимининг 2019 йил 19 июндаги тегишли фармойишига асосан бузиб ташланган.

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд экспертизаси маркази мутахассисининг 2019 йил 12 августдаги фикрига кўра, бузилган бино-иншоот баҳоси 9 миллиард 419 миллион 363 минг сўмга баҳоланган. Бироқ туман ҳокимлиги то фуқаро мурожаат қилмагунча компенсация тўловини пайсалга солиб келаверган. Бинобарин, вилоят адлия бошқармаси томонидан жавобгар Тошкент туман ҳокимлигидан фуқаро Ҳ.Файзиев фойдасига 9.419.363.056 сўм миқдордаги компенсацияни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судига даъво ариза киритилди.

**Абдувақил СОДИҚОВ,**  
Тошкент вилояти адлия бошқармаси  
масъул ходими

## “БИРОРТА ҲАМ БОЛА ҚАЙД ЭТИЛМАСДАН ҚОЛИШИ МУМКИН ЭМАС”

Юртбошимизнинг айна фикри бу  
борадаги муаммоларга барҳам бермоқда



**ФУҚАРОЛИК** ҳолати далолатномаларини қайд этиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бироқ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозир дунёда туғилишнинг 40 фоизи қайд этилмайпти. Афсуски, бу ачинарли ҳолат бизнинг юртимизда ҳам кузатишмоқда.

Шу боис, Президентимизнинг 2018 йил 12 июндаги “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қароридан “Бирорта ҳам бола қайд этилмасдан қолиши мумкин эмас” ва “Туғилганликни қайд этилиши — бола ҳуқуқларини рўйбга чиқарилишининг ва фуқаролик бўлмаслигини олдини олишнинг ҳуқуқий асосидир”, деган эзгу ғоя ўз аксини топган.

Шу маънода айтганда, Бектемир туман адлия бўлими томонидан ҳам тумандаги туғилиши қайд этилмаган фуқаролар аниқланиб, бу муаммолар қонуний ечим топмоқда. Хусусан, Бектемир тумани, Чашма маҳалласида яшовчи фуқаро Э.О.нинг туғилганлиги қайд этилмаган ва унга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома берилмаган. Шунга кўра, туман адлия бўлими томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, 2021 йилнинг 5 февраль кuni боланинг туғилганлик фактини белгилаш мажбуриятини юклаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судига ариза киритилди. Натижада суд адлия бўлимининг аризасини қаноатлантириб, фуқаронинг туғилганлик фактини белгилаш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

**Шамсиддин АМОНОВ,**  
Бектемир туман адлия бўлими бошлиғи

## “КЕЧИККАН” НАФАҚА АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ



**МАРҲАМАТ** туманидаги Гафур Ғулом маҳалласида яшовчи фуқаро Нарғизахон Мирзаева туман адлия бўлими ҳузуридаги юридик хизмат кўрсатиш марказига ҳуқуқий маслаҳат сўраб, мурожаат қилди.

Яъни, Н.Мирзаева тумандаги 12-мактабга таълим ташкилотидан ҳамшира лавозимида ишлаб келгани ҳолда 2017 йил 1 ноябрда ҳомилдорлик ва туғиш таътилига чиққан. Иккинчи фарзандига ҳомилдор бўлганда эса 2020 йил 25 декабрдан таътил муддати яна узайтирилган. Аммо шунга қарамай, ҳомилдорлик ва туғиш таътили нафақаси тўланмаган. Бинобарин, аёл шу хусусда ҳуқуқий маслаҳат ҳамда амалий ёрдам сўраган.

Адлия бўлими ҳодимлари мазкур мурожаатни ўша жойнинг ўзида, масъуллар иштирокида ҳуқуқий давра суҳбати тарзида ўрганишган. Шунда тилга олинган ҳолатлар атрофлича муҳокама қилинган. Меҳнат кодексининг 233 ва 234-моддалари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Нарғизахон Мирзаевага давлат ижтимоий сугуртаси бўйича 1 миллион 772 минг 238 сўм ҳомилдорлик ва туғиш нафақаси тўлаб берилиши таъминланди.

**Д.МАМИРОВ,**  
Марҳамат туман адлия бўлими  
масъул ходими

## СОЛИҚЧИЛАР СУДДА ЕНГИЛДИ...



**ВОБКЕНТ** туман адлия бўлимига туманидаги “МУHAMMADALI-BARAKOOT” оилавий корхонаси раҳбари Ф.Холовдан ариза келиб тушди. Тадбиркор ўз мурожаатида Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан берилган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўловчиси сифатидаги гувоҳномани бекор қилишда амалий ёрдам беришни сўраган.

Йиллик товар айланмаси 100 миллион сўм атрофида бўлган. Шундай экан, вилоят ДСБнинг корхонага қўйилган ташкил топган кундан бошлаб қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида солиқларни тўлаши лозимлиги талаби ноқонунийдир. Ваҳоланки, “МУHAMMADALI-BARAKOOT” оилавий корхонаси 2019 йилнинг январь-декабрь ойлари ҳамда 2020 йилнинг январь-июнь ойларида айланмадан олинадиган солиқ бўйича ҳисоботларини ўз вақтида тақдим

қилиб, солиқ тўловларини ўз вақтида амалга оширган. Бинобарин, солиқ органлари томонидан ўша вақтда ҳеч қандай эътироз билдирилмаган.

Шунинг учун Вобкент туман адлия бўлими томонидан оилавий корхона манфаатида Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармасига оилавий корхонанинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги 2020 йил 2 сентябрдаги қарори ҳамда корхонага ҚҚС тўловчиси сифатида берилган гувоҳномани бекор қилиш ҳақида тақдимнома киритилган. Бироқ вилоят ДСБ мазкур тақдимномани ижро қилишни рад этган. Туман адлия бўлими масъуллари Бухоро туманлараро маъмурий судига мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят ариза киритди. Натижада суд вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2020 йил 2 сентябрдаги қарори ва оилавий корхонага қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида берилган гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топди. Шунингдек, оилавий корхонага ҳисобланган 40 миллион сўм миқдордаги қўшилган қиймат солиғи бекор қилинди.

**Жамшид ҚАНДОВ,**  
Вобкент туман адлия бўлими  
бошлиғи

## ХОДИМЛАР НОРОЗИ ЁКИ ПУЛИ ЙЎҚ КАРТАЛАР, ТИЛИ ЙЎҚ КАРТАЛАР

**МИРЗАОБОД** туман адлия бўлимига туман санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими ходимлари томонидан қилинган мурожаат қонун доирасида ўрганиб чиқилди.

Мурожаат муаллифлари бўлим мансабдор шахсларидан норози. Боиси, 2020 йилнинг август ойида ходимлар номига очилган янги “НУМО” пластик карталарига уларни хабардор қилмаган ҳолда иш ҳақи ва бошқа тўловлар ўтказилиб, ишлатиб юборилган. 2020 йил сентябрь ойида эса пулсиз пластик карталар бош ҳисобчи томонидан ўз эгаларига топширилган. Айни мурожаатни ўрганиш жараёнида, ҳақиқатан ҳам, бўлим мансабдорлари томонидан 38 миллион 879 минг 400 сўм маблағ талон-торож қилинганлиги аниқланди.

Бинобарин, адлия бўлими томонидан туман санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлими мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси билан жиноят иши қўзғатиш масаласини ҳал қилиш юзасидан туман прокуратурасига жиноий таклиф киритилиб, фуқароларнинг мурожаатлари қаноатлантирилди.

**Ҳамид АҲМЕДОВ,**  
Мирзаобод туман адлия бўлими бошлиғи

Мазкур мурожаат туман адлия бўлими томонидан ўрганилганда вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2020 йил 2 сентябрдаги “МУHAMMADALI-BARAKOOT” оилавий корхонасининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича барча чиқим операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори ҳамда оилавий корхонага қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида берилган гувоҳнома асосиз равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Гап шундаки, оилавий корхонанинг





## ФУҚАРОЛАРНИНГ СУДМА-СУД САРСОН БЎЛИШИГА ЧЕК КЎЙИЛДИ

МАМЛАКАТИМИЗДА адолатни қарор топтириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш йўлида қабул қилинаётган қонун ва фармонлар мукамал бўлмас экан, инсонларнинг судларга бўлган ишончи камайиб бораверади.

Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони суд-ҳуқуқ изоҳотларининг янги босқичини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган Қонунга асосан суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини қайта қўриб чиқиш тартибини илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш, фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида 2021 йил 1 январдан эътиборан, суд тизимида

вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Қолаверса, маъмурий тартиб таомиллар ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни қўришга ихтисослаштирилган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлари ташкил этилди, шу муносабат билан туман (шаҳар) маъмурий судлари тугатилади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари эса сақлаб қолинди.

Шуларга асосан суд тизимида ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, Конституциянинг 107-моддасига тегишли ўзгаришлар киритилди.

“Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, иқтисодий судлари ва туманлараро маъмурий судлардан иборатдир”.

Мазкур Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши суд тизимини бошқариш масалаларини такомиллаштирилиши, вилоят ва унга

тенглаштирилган судларни ташкилий, молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлашга эришиш билан бир қаторда, энг аввало, фуқароларнинг судма-суд сарсон бўлиб юришига барҳам бериб, уларнинг муаммосини бир жойда ҳал қилиниши имконини берди.

Ҳозирги вақтга қадар судларга мурожаат қилаётган фуқаролар ва тадбиркорлар низолашаётган масала қайси судга тааллуқли эканлиги борасида бир қатор мураккабликларга дуч келган. Баъзи ҳолларда фуқаролик ишлари бўйича судлардан маъмурий судларга, маъмурий судлардан иқтисодий судларга қайта-қайта мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Маълумки, бу сарсонгарчилик низолашаётган томонларга ортиқча зарба бўлиб, уларнинг судларга бўлган ишончини йўқотаётган эди.

Шунга қўра, фуқароларнинг одил судловга бўлган ҳуқуқини амалда таъминлаш билан боғлиқ бўлган муҳим муаммага алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари бўйича, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судларини ташкил этилди.

Бу эса сўнгги йилларда суд тизимида амалга оширилган ислохотларнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларининг суд орқали ҳимоя қилинишида ижобий натижаларга олиб келиши шубҳасиз.

Бу билан суд қарорларининг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини қайта қўриб чиқиш тартибини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб такомиллаштириш ҳамда фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятини кенгайтириш мақсад қилинган.

**АХРО СУЛАЙМОНОВ,**  
**Омон САТТОРОВ**  
**Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик суди судьялари**

### Қилмиш-қидирмиш

КЕКСАЛИК гаштини суриб, ўзи ва атрофдагилар ҳаётини шукроналик ва нурга тўлдирётган нуруний отахонлар, мунис онахонларни кўрганда умр мазмунини англагандай бўласан. Яратгандан хал кимга шундай сурулай ҳаёт беришни сўрайсан. Таассуфки, ҳаммага ҳам насиб этмайдиган бу неъмат қадрини билмайдиганлар ҳам бор...

## “КЎКНОР” ЭККАН АЁЛ

Бекободлик Салимаҳон Рўзиева (исм-фамилиялар ўзгариб беришмоқда) етмишдан ошиб, саксонини қоралаганда галати олатлар чикара бошлади. Қариллик гаштини суриб, неваралари кучоғида, келинлар ардоғида ёшларга ўғиту насихатлар қилиб ўтириш ўрнига томорқасидаги бир парча ерга алоҳида “меҳр бериш”га ўтиб олди. Бундан 13 йил аввал ҳам шу иши учун жинойи жавобгарликка тортилганини “унутиб қўйди”.

Хонадон ахли тинч эмас эди. Ўғай ука-сингил ўртасидаги ермулк талашуви кескин адоватни келтириб чиқарди. Салимаҳон ая кизи Нилуфархон томон бўлар, ўғил ҳам ота ҳовлисининг ярминини ўғай опасига бўлиб бергиси келмас эди. Нилуфархон ҳам бўш келмас, ўғай укани онасига муттасил зугум ўтказишда айблаб, участка нозирга шикоят қилиб чарчамас эди.

Қуларнинг бирини шамол туриб, деворни қулатди. Салимаҳон аянинг ҳаловати йўқолди — ҳайхотдай ҳовлидаги бор-йўқ нарса қафтдагидай кўриниб қолди. Неваரசини чақириб, оғир орқасидаги пояларни тезда чордоққа олиб чиқиб қўйишни буюрди. Бола-да, бувисини айтганини хаш-паш дегунча жабариб тугди. Унинг “Бу ўзи нима, буви?” деган саволи одаддагидай жавобсиз қолди.

Бу саволни невараси жуда кўп берган. Ҳовли ортидаги қафтдек жойни ёғоч ва симли панжара билан ўраб, қулф осиб қўйганида ҳам, нимадир эканлигини, инқиллаб-синқиллаб ўша “сирли экин”ни парвариш қилиб юрганида ҳам, “ҳосил”ни йиғиб олиб офтобда қуриганида ҳам.

Бола бўлса-да, бу “нимадир” жуда ёмон нарса эканини, шу ёмон нарсани бувиси ва отасининг ўғай опаси истеъмо қилишни ҳам сезиб-билиб юрар эди. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга гапирмас эди. Бувисидан, айниқса, ўғай аммасидан кўрсарга эди.

“Отам ҳам билди. Лекин нега бу ҳақда мелқасга хабар бермайдилар? — деб ўйлар эди бола. — Ёки отаси ўз онасининг банги эканини айтишга уларкимкор? Онамни қамаб қўяди деб кўраркимкор? Барибир айтгани яхши. Уйимиздаги ҳамма жанжалларга шу нарса, кейин Нилуфар амма ўзи билан олиб келадиган арак айбдор. Агар отам айтмаса, қатта бўлсам ўзим айтаман мелқасга...”

Отаси тўғри катта қарор қабул қилди. Ўша қуни ушбу хонадонга келган участка нозир чордоқдаги кўкнори поялари ва бошоқларини кўрган захоти вазиятни тушуниди: тезкор гуруҳини чақирди.

Туман ИИБ ЖЭК ходимлари фуқаро С.Рўзиевани кўп миқдордаги кўкнори гўёҳвандлик воситаларини ноқонуний равишда ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаятгани аниқлиниб, гўёҳвандлик воситаси ҳолислар иштирокида тегишли тартибда ҳужжатлаштирилган.

Шу қунининг ўзида, туман жиноят қидирув бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирлар натижасида фуқаро С.Рўзиеванинг кизи Н.Рўзиева хонадонидан ҳам кўкнор ўсимлиги поялари сақлаб келинаётгани аниқлиниб, ҳолислар иштирокида ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинган. Дастлабки тергов давомидан Н.Рўзиева ушбу гўёҳвандлик воситасини онаси С.Рўзиевадан ўзининг истеъмоли учун олгани аниқланди.

Қонун барчага баробар. Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг ҳукми билан С.Рўзиева ва унинг қизи Н.Рўзиевага нисбатан қонуний жазо белгиланди.

**Баҳодир ҚОРАЕВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар суди раиси**

### ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 9/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 5 мартдаги 4-Н-ум-сон буйруғи билан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 22.04.2020 йилда Ангрэн шаҳрида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Н.Мираҳмедовага берилган TS 0056 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 10 март кундан 2021 йил 9 апрель кунига қадар 1 ой муддатга тўхтатилади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 4/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 5 мартдаги 4-Н-ум-сон буйруғи билан Бекобод шаҳрида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус С.Саломовага берилган TS 0051 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 6 март кундан 2021 йил 20 март кунига қадар 15 кун муддатга тўхтатилади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 8/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармаси-

даги малака комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 6/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 5 мартдаги 7-Н-ум-сон буйруғи билан Окўбон туманида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш.Муҳаммадновага берилган TS 0023 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 7 март кундан 2021 йил 21 март кунига қадар 15 кун муддатга тўхтатилади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 6/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 5 мартдаги 7-Н-ум-сон буйруғи билан Окўбон туманида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш.Муҳаммадновага берилган TS 0023 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 7 март кундан 2021 йил 21 март кунига қадар 15 кун муддатга тўхтатилади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 8/2021-сон йилгилиш баённомаси ҳамда Тошкент вилоят адлия бошқармаси-

нинг 2021 йил 5 мартдаги 9-Н-ум-сон буйруғи билан Юқоричирчиқ туманида ҳуқуқий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Т.Орозлиевага берилган TS 0008 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 7 март кундан 2021 йил 6 апрель кунига қадар 1 ой муддатга тўхтатилади.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан адвокат Абдуллаев Олимжон Собирбоевичга 2018 йил 24 декабрь кuni берилган NA 000048-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик макрми суд ҳукми қўнишни кучга киритишга қадар йўқд реабилитация қилгани асосларга биноан уни жинойи жавобгарлиқдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги қадар бўлган даврга тўхтатилади.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 11 мартдаги 54-ум-сонли буйруғига асосан талабгор Муҳаммадиев Анвар Сайфиллоевичга малака имтиҳонини тоғри равишда ўтказишга қадар фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича адвокатлик

фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензия берилди.

Навоий вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 10 мартдаги 52-ум-сонли буйруғига асосан “ISHONCH-NAVOIY” адвокатлик фирмаси давлат рўйхатидан ўтказилди (реестр бўйича тартиб рақами №61).

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2020 йил 18 декабрдаги 15-сонли қарори ва Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 9 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 12 мартдаги буйруғи билан “ISHONCH VA HIMOVA” адвокатлик фирмасининг адвокати Агапиева Ҳумро Бегмуродованинг (лицензия 25.12.2018, BH №000102, адвокатлик гувоҳномаси №102, 25.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензия ҳамда адвокатлик макрми 6 ой муддатга тўх-

татилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 16 мартдаги 5-А-сонли буйруғи билан талабгор М.Жўраева GZ-000135-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензия берилди.

Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2020 йил 18 декабрдаги 15-сонли қарори ва Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 9 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан Бухоро вилоят адлия бошқармасининг адвокати Шопиевич С.Саломованинг (лицензия 25.12.2018, BH №000066, адвокатлик гувоҳномаси №066, 25.12.2018 й.) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беришчи лицензия ҳамда адвокатлик макрми 2 ой муддатга тўхтатилади.

**Инсон ва ҚОНУН**  
МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рўйхатга олинган  
ISSN 2030-7897

**Бош муҳаррир**  
**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Тошқулпов Ахбар Жўрабоевич  
Рабиёв Шерзод Миржалолович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган  
қўлёзмалар тахрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
**Навбатчи**  
Ёрбек Искандаров  
**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**  
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида chop этилди.  
**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.  
Тиражи — 4360  
Буюртма — V-4611

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97  
**Обуна бўлими:** 277-02-57  
Баҳоси келишилган нархда  
1 2 3 4 5





Бу йилги Наврўз байрами юртимизда фаолият кўрсатаётган минг-минглаб бунёдкор-қурувчилар учун қўшалоқ байрамга айланди. Тўйга тўёна, дейишганидек, қутлуғ байрам арафасида кўплаб янги ва кўркам бинолар байрам туҳфаси сифатида эгаларига топширилди. Бу сингари яратувчилик ишларини белгиланган фурсатларда ва юқори сифат кўрсаткичларида адо этишида Хоразм вилоятида бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқараётган “Сухроб дизайн қурувчи” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам салмоқли улуши бор. Янги бунёдкорликлар бўйича уюштирилаётган тендер савдоларида голибликни кўлдан бермаётган мазкур пешқадам жамоанинг буюртмачи — Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси билан ўзаро ҳамкорлиги ишни тез ва сифатли уддалаш гаровига айланаяпти.

Жамоа мамлакатимиз аҳли, қолаверса, ўз хизматидан баҳраманд бўлаётган кўп сонли миқжоз ва буюртмачиларни ёшлик, гўзаллик, нафосат байрами — Навруз айёми билан самимий қутлайди, ишига омад, турмушларига қут-барака, қалбларига қувонч ва шодлик ҳисларини тилайди.

**“СУХРОБ ДИЗАЙН  
ҚУРУВЧИ”**

**МАСЪУЛИЯТИ  
ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТИ**